



ЕМ-ХАШАКНИ МҮЛ ЖАМҒАРАЙЛИК

Ҳар бир совет кишининг, ишчи, колхозчи, интеллигентнинг қалби ва дили бир мақсад, бир истак билан: Совет ҳокимиятининг пилониди эллик йиллигига муносиб совга тайёрлаш. Ватан бойлигини ошириш нияти ва орзу-хаваси билан жўш урмоқда. Совет кишиларига ҳос бу олижаноб ғайратлар ҳар бир соҳада, ҳар бир участкада ўз самарасини, юксак натижаларини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари табиат инжиқликларини ва турли қийинчилик ҳамада офатларга қарши мардонавор курашиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар. Ишчилар давлат планини ошириб бажариб, хўжаликнинг бошқа тармақларида ўз касбдошларига ёрдам бермоқдалар. Ҳозир ғалла ўриш-йигишнинг қизғин пайти. Далаларда комбайнларнинг гуллагани кечаяқ қувида тинмайди. Ғаллакорлар маъжуда ҳосилнинг бир граммини ҳам йўбуда қилмай ўриб-йигиб олиш ва давлатга топшириш учун курашиб, дастлабки ғалабани қўлга киритмоқдалар. «Ғаллақудук» ва «Юкори Чирчиқ» совхозларининг деҳқонлари давлатга дон топшириш планини мўддатидан олдин бажаришда, Булар пиланди ташқари яна бир неча минг центнер дон топшириш мажбуриятини олдилар.

Сабзавотчилар шаҳар аҳолисини турли хил ноз-неъматлар билан кўпроқ таъминлаш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳамма ерда мева-ча ва тарқ ишди, сабзавот ва полиз экинлари етилди. Бозор ва дўконлар, магазин ва ларекларда, завод ва фабрика ҳамда аҳоли кўпроқ яшайтган жойларда маҳсус дўконлар очилди, деҳқон маҳсулотлари эл-юртга тортишмоқда.

Шундай қизғин, долзарб ва сарташнинг пайтларида чорвачилик соҳасида катта ва масъулиятли ишлар турбиди. Йиллик яхши босилиш, дастлабки олардаёқ йиллик гушт тайёрлаш планини бажариб, қўзиларнинг муваффақиятли ўтказган, давлатга гушт, сут, туҳум, жу ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини қўлга етиштириб бераётган чорвадорларнинг кўзгичи-кишилар тарадудини кўрмоқдалар. Илгори хўжаликларда ем-хашак тайёрлаш, чорва қишлоғига тайёргарлик намунаси олиб берилмоқда. Белгиланган миқдордан кўпроқ хашак жамғариб қўйилмоқда. Бедадан кўпроқ ҳосил олиш мақсадида яхши парвартиш қилинмоқда. Давлат ем-хашакни ўриш ва йигиштириш қизғин бормоқда.

Ўрта Чирчиқ районининг колхоз ва совхозлари 1725 гектар ўрнига 2113 гектар, Юкори Чирчиқ районининг хўжаликларини эса 2388 гектар ўрнига 3698 гектар ердаги табиий ўтларини ўриб олдилар. Бу районларда, шунингдек областнинг бошқа хўжаликларда экинган ўтларини ўриб олиш ҳам тузуқ бормоқда. Калийин, Ўрта Чирчиқ ва Оржоникидзе районларининг чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликларда ем бўладиган доғли экинлар экиш, кўпоқ тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бирмунча хўжаликларда ички икониётлар ва резервалар қидириб топилмоқда.

Илимийнинг ярми тугаб, янада сарташнинг ва қизғин кунлар бошланиб қолганига қарамай, айрим районлар, колхоз ва совхозларда чорва қишлоғига тайёргарлик, ем-хашак жамғариш кўнгиладиган бормоқда. Хашак тайёрлаш учун қудай мўддатлар ўтиб бормоқда. Шу вақтга бевари беп-икки ўриб олиш мумкин эди. Афсуски ҳозирги аҳвол айрим хўжаликларнинг паҳрларини ташвишга соймайди. Йилги ўтларини ўриш 4,5 процент, Калийин районда 7 процент, Оржоникидзе районда 21,2 процент бажарилган ҳолос. Шунингдек дағал ем-хашак тайёрлашга ҳам соғуққонлик билан қаралмоқда. Бекобод районда белгиланган план 16,2 процент, Янгийўл районда 17,7, Калийин районда 17,1 ва Ўрта Чирчиқ районда 19,5 процент бажаришган. Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Колхоз ва совхозларнинг ҳамда фермаларнинг раҳбарлари кўлай пайтларини ўтказиб юбормоқдалар. Ҳали вақт бор деб ишга берамликка ва сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Ҳамма хўжаликларда табиий ўтларини кўпроқ ўриш, дағал хашак тайёрлаш ва бедадан 4—5 марта ҳосил йигиб олиш икониётини боп. Асосий камчилиги шундаки, бедаюларини, маккажўхори ҳамда оқжўхори парвартиш қилишга етасли эътибор берилмаптилар. Баъзан жойлашда ўрилган беда ва пичан кўпчилик юзасидан қўлиб, унинг таркибиди тўғирли ва широк модалар камчилиб кетяпти. Хашак ўриш маънавиятидан унмил фойдаланилмайди. Колхозчилар ва совхоз ишчиларига етасли маънавий ва маънавий шартин яратиб берилмаган.

Юбилей йилида чорвадорларнинг олдида ушанг вазиёлар турбиди. Улар гушт, сут, туҳум, жу ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини хав қачонгидан ҳам кўпроқ етиштиришга ва тайёрлашга икониётини боп. Бу юксак вазиёларнинг шарофиди билан бажариш чорва қишлоғига камчилик пухта тайёргарлик кўнгиш, ичига, ем-хашакни қўйиш-чиқариш бормоқда. Шундай экан, бу масала ҳар бир хўжалик раҳбарининг, совет, партия ташкилотларининг диққат-эътиборида бўлмоғи зарур. Барча куч ва ресурсларини ишга солиб бип ва бир ярим йилга етаслиган миқдорда ем-хашак тайёрлаб қўйиш, бедадан яхши парвартиш қилиб, ушанг кўпроқ пичан олишга эришиш, маккажўхори ва оқжўхори мўл етиштириб, ундан кўпроқ дон ва слясоби кўпоқ жамғарайлик.

Илгори чорвадорларнинг чорва молларини давлатдан олиндиған озуқа билан эмас, балки хўжаликларнинг ўзида тайёрланган ем-хашак билан боқиб ва маҳсулот таннарини арзонлаштириш, бунинг натижасида хўжаликнинг рентабель ишлашига эришиш соҳасидаги яхши ташаббусини қўлаб-қувватлаш зарур.

Чорва қишлоғига пухта ҳозирлик қўриш, ем-хашакни мўлқўл жамғариш ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш тобора қўлайтириш шу куннинг энг муҳим вазиёсидир!

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия «Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига маданий-маънавий куралиш ва аҳоли яшайдиган жойларини ободонлаштириш юзасидан олтиган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши» масаласини муҳокама қилди. Бу ҳақда Тошкент область партия комитетининг секретари депутат ўртоқ К. Н. Бекаев доклад қилди. Область коммунал хўжалик бош-

қармасининг бошлиғи депутат М. М. Мирҳужаев, область матбуот жамияти правленийсининг раиси депутат А. Расулов, область Советининг коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бўйича доимий комиссияси раиси депутат В. И. Рибалко ўртоқлар қўшимча доклад қилдилар.

Сессия муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. (Сессия ҳақидаги батафсил хикоят газетамизнинг навбатдаги сонларининг бирида босилади).

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 127 (3609).

Жума, 30 июнь, 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.



Янгийўл райониди «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг сувчилари гузани қондириб сугорига жиддий эътибор беришяпти. Пенсонер Умурзоқ ота Тузлебоев ҳам сугоринида фаол қатнашмоқда. У ишлаётган эвеконинг қўзалари қийнос шоналаб гулга кирди. Суратда: ўртоқ У. Тузлебоев.

О. Қозоқбоев фотоси.

СОВХОЗ ҒАЛЛАЗОРИДА

Қоқ тепадаги қуёш олов пурқайди. Унинг ўткир тапидан яқиндагина лолалар билан безанган кўм-кўк адрлар сарғайиб олтин тус олган. Лекин баъзидан адр тепасига ўриштирилган дала шийони жуذا сўлим. Ўн-тир шабада эсди. Танларга ором бериб, товларини силлаб ўтди. Атрофлардан тракторларнинг, комбайн ва автомашиналарнинг гуриллаган овозлари тинимсиз эшитилди. Узоқ-узоқлардан комбайнларнинг паракчалари чарпалакдай айданки кўринади. Гоҳ ғалли ортган машиналар гуриллаб ўтди, гоҳ тракторлар сомон йўлгадан прицепларини судраб қаёқларга юзлаб йўл олди.

Яқиндагина қимсасиз, бўм-бўш адрларга жон киргандай. Г. Раманута бошлик ғаллачилик бригадасида Виктор Новоднийнинг доғруғи ҳозир бутун Тошкент наслчилик совхозига ёйланган. Дарҳақиқат у бу шарафга арағқудек иш қилапти. Виктор кудини 8 кун иттида 118 гектар ердаги ғаллани элга гушга ўриб-йиган. Демак, у бир кунда 14 гектардан кўпроқ ердаги ғаллани ўрган. Шунинг учун Виктор Новодний энг пешқадам комбайнчи деган номин олди.

● Тошкент наслчилик совхозини 70 ўрнига 78 тонна жуш, 14 ўрнига 15,3 тонна пилла топширди. 8500 ўрнига 9500 бош қўзи олинди. ● Совхоз ғаллакорлари 145687 пуд ғалла учун курашмоқда. ● Комбайнчи Виктор Новодний 8 кунда 118 гектар ғалла ўрди.

Бу совхозда, ғалла ўрими қизғин давом этаётган айни кунларда Викторнинг изидан бораётган, ўз агрегатлари билан унмил ишлаётган ақойиб комбайнчилар қўлаймоқда. Яқоб Гончаров, Василий Котов, синари комбайнчилар, А. Зуванов, А. Сафуров каби тракторчилар ға бригадаларини раҳбарлик қилишмоқда. Кунини 12 гектаргача етказиб ғалла йичмоқдалар, хирмонга баража киритмоқдалар.

Совхознинг бошқа ғаллачилик бригадасида ишлаётган А. Зулфиқоров, А. Ходосенко, Аҳмедов каби йилгилар ҳам бори, бу мусобақа қўлларини олган фарқларга эришди. Совхозда мана шундай жонқуяр фидокор ишлар қўйлиги учун ғалла ўрими қизғин давом этапти. Ҳозир совхоз далаларида 17 та ҳар хил маркали ғалла комбайнлари ертадан кечгача тинимсиз ишлаб турипти.

Маълумки, бу йил ғалла табиий қийинчиликлар туғайли

«Тошкент» наслчилик совхозининг далаларида ғалла ўрими-йигиш қизғин кетяпти. Суратларда: (чапдан ўнгга) комбайнчилардан Я. Гончаров, В. Котев, В. Новодний ўртоқлар. Улар ўримида фаол қатнашиб, кундалик иш нормаларини ошариб бажармоқдалар. Ушанг расида ғаллазорда ўрими пайти.

Н. Тўраев фотолари.

ДОН ТОПШИРИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Юбилей йили вахтасида туриб меҳнат қилаётган «Юкори Чирчиқ» богдорчили-виночилик совхозининг коллективи ақойиб меҳнат ғалабаларини қўлга киритди. Ишчилар мўддатидан илгари давлатга дон топшириш планини муваффақиятли бажаришди. Тай-ерлов пунктига 2000 центнер ғалла топширилди.

Совхоз далаларида ҳали ҳосил кўп. Коллектив барча икониётларини ҳисоблаб қийиб, қўшимча равишда она-Ватан хирмонига яна 3000 центнер дон тўқиб мажбуриятини олди. Хўжаликда давлатга дон етказиб бериш билан бир каторда илгуси йил учун уруғлиги фондлари ва чорва моллари учун ем-хашак жамғариб қўйилмоқда.

Дарҳақиқат, бу совхоз коллективи фидокорона меҳнат қилиб дастлабки ғалабаларини қўлга киритмоқда. Масалан, бу йил совхоз чорвадорлари пландаги 70 ўрнига 78 тонна икониётка талаи жуш топшириб планини ошириб бажаришди. Ҳар бир бош қўздан 4,2 килограммдан жуш қирқиб олинди. Қўзиларни намунаси ҳам муваффақиятли ўтди. Моҳир қўзонлар 8500 ўрнига 9500 бош қўзи олиб катта ғалабага эришдилар. Бу ишларда Эришбай Маннопов, Исмаил Суворов, Раҳим Мусаев синари йлгор қўполлар катта хизмат қилдилар. Совхоз пиллакорларининг иш ҳам қўвончли бўлди. Улар 14 ўрнига она-Ватанга 15,3 тонна пилла армуғи етдилар.

Тошкент наслчилик совхозининг коллективи юбилей йилида ўз экинчиларига олган социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб адо этини учун маъжуд икониётлардан фойдаланишмоқдалар. Чорвадорлар, ғаллакорлар юбилей йили меҳнат вахтасида туриб қонил ишоп билан ҳаракат қилишмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ДУСТЛИК САФАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Болгария Халқ Республикаси Хасково округи меҳнаткашлари вакиллари делегацияси мамлакатимиз рағли метал-лургиясининг йиллик марказларида бири—Олмалиқда ҳам бўлишди. Навқирон шаҳар меҳнаткашлари чадран меҳмонларини ҳамма жойда зўр хурсандчилик билан, бағриларини кенг озиб қутиб олдилар.

Меҳмонлар шаҳар санюати билан танишишни энг ёш корхоналардан бири, ҳисобланган «Сантехлит» заводидан бошладилар. Корхона директори Василий Петрович Бережной болгарияликларга заводнинг қурилиш, қандай маҳсулот бераётганини ҳақида батафсил хикоят қилиб берди. Корхонада биринчи маҳсулот 1964 йилининг ок-

тябрида ишлаб чиқарилган эди. Бу ерда тайёрланган барча маҳсулотлар қўлали йилдан йилга кенгайиб бораётган уй-хўжаликда фойдаланишга мўлжалланган.

Сўнгра меҳмонлар корхона ишлаб чиқариши билан танишдилар. Улар қўнчилик цехларда бўлишди. Бу ерда қўлали-лаётган прогрессив усуллар айрим цехларда ишлаб чиқаришнинг автоматлаштиш даражаси уларда яхши таассурот қолдириди. Шундан сўнг қардошлар бинокорли материаллари ва пластмасса буюмлари комбинатида бўлишди.

Шаҳар партия комитетидаги суҳбат дўстона вазиёда мароқли ўтди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

ўртоқ В. Мухомедов шаҳарнинг қурилиш тарихи, унинг эвеконимаси, мамлакат халқ хўжалигида тутган ўрин ҳақида гапириб берди. Шаҳар партия комитети ва бошлангич партия ташкилотларининг оммавий-савсий, тарбиявий ташкилотчилик ишлари, уларнинг қўнқиррали феолияти меҳмонларга айтиб берилди.

Суҳбатда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ А. С. Пономарев иштирок этди.

Меҳмонларда Олтинтопан қўроғи-руҳ ва мис комбинати коллективининг иши яхши таассурот қолдириди. Улар Ер остида неча асрдан бери яшайиб ётган турли-туман бойлик-

ларни халқимиз манфаатларига хизмат қилираётган комбинат ишчилари, инженер-техника хондчилари ва хизматчиларининг Ушанг Олтибегнинг 50 йиллиги шарафига қилаётган фидокорона меҳнат самаралари билан яқиндан танишдилар. Мис сарайи фабрикаси мис эритиш заводи, Қалмоққир қони меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, қончиллик ва маънавларини қайта ишлашда қўлалилаётган технология, илгори иш усулларидан хабардор бўлишди.

Шу кун Болгариялик меҳмонлар Юкори Чирчиқ райониди, донгдор «Полиотдеп» колхозини меҳнаткашлари ҳузурига ташриф буюрдилар.

ШОНА ВА ГҮЛ

Янгийўл райониди Собир Раҳимов номли колхозга борган киши зўр таассурот билан қайтди. Пахтакорлар ҳалот меҳнат қилиб, мажбуриятларини устидан қийиш учун астойдил курашмоқдалар. Ҳар бир киши ўзига бириктирилган кўндалардаги гўзалларни меҳор билан парвартиш қилапти. Вақтда сутуриб, чопишдан чиқармоқда. Тешир Тузлебоев бошлик эвекон аъзоларининг иши ҳам икони-ни қўвончли. Пахтакорлар 42 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти. Ҳар гектар ерда 25 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олишган. Деҳқонлар қисқа вақт ичиди қонил ораларини 2,5 марта комплекс ишловдан чиқаришди.

Х. СУЛАЙМОНОВ.

«ҒАЛЛАҚУДУК» СОВХОЗИДА

Ўрта Чирчиқ райониди «Ғаллақудук» совхозининг азамат меҳнаткорлари ва деҳқонлари юбилей йилида фидокорона меҳнат қилиб ақойиб натижаларга эришмоқдалар. Улар об-ҳаво қўқамда, айни ғалла экинлари ўсаётган пайтда бирмунча ноқулай келган бўлса ҳам бу қийинчиликларни енгиб юксатиб далаларда ғалладан мўл ҳосил етиштиришда ва уни ўриб-йигиб олишга биринчилар қатори киришдилар. Комбайнларнинг овози эрта тонгдан қош қорайгунча тинмайди. Бу фидокорона меҳнат ўзининг ақойиб самарасини кўрсатди. Совхоз йиллик ғалла тайёрлаш планини пешқадам каторда шароф билан адо этди. Пиланди ташқари 5 минг центнер ғалла етиштириш мажбуриятини олган азаматлар шу кунларда иш суръатини тобора жалдлаштиришмоқдалар. Суратда: илгор комбайнчи М. Курмонкулов сўнгги гектар ердаги ғаллани ўрмоқда.

А. Аббасов фотоси.



О Р З У Қ А Н О Т И Д А



Биров туги фироқи вах яна кўксимни чок айлар, Ки ҳам захми, ҳам ихфоси ҳам изхори халок айлар Магар истаб итига туъма кўнглим билга бағримдин Бирин паркола-паркола бирсин чок-чок айлар.

Бу ғўзал ғазал муаллифи улуғ мутафаккир, буюк шоир, дошманд давлат арбоби Алишер Навоийдир. Навоийнинг кўнглига завқ бахш этувчи лирик ғазаллари пок севгини ардоқловчи ишқий дostonларида ҳаёт наъбаси билан севги лаззати, висол ҳаловати, изтироби билан уйғулашганлигидир. Навоий лирикasinинг ғўзаллиги ўлмаз ва абадий мафтункорлигининг сабаби шоир шеърининг зиннати, шоир назмининг ҳикматидадир.

Шоир битган ғазал шунча дилбар, шунча сеҳргарки, унинг сеҳр ва жозибасига сел бўлиб, уни хиргойи қилмаган бирор жон бўлмаса керак. Кечса навоийшун олим Иноят Махсумов баган «Навоий Астрабад» номли янги асарини яқинда замғори экрани орқали намойиш қилинди. Бу сценарийни томоша қилар экансиз, кўз олдинда шоирнинг ёниқ тимсоли ламбон бўлганда, ҳаёлан у билан суҳбатлашгандак бўласиз. Уткир дилли, назик нафосатли томошабин қаршисида

улуғ мутафаккир шоир образини икром этиш ҳар бир санъаткор қўлидан келармайдими, албатта. Уни шоирни жондидан севган, қўнда ҳам, тўнда ҳам ҳаёлан у билан яшаган, ғазалларини ҳаминиша тилидан туширмайдиган шоир каби пок қалб ағасигина бажара олади, холос.

Навоий ролин икром этган ёш истеъдодли артист Толиб Каримов шоир ғазалларининг мухлисаридадир. Ёш артист юриш-туришда, хатти-ҳаракатда, сўзлашишда бундан беш юз йил муқаддам яшаган шоир Навоий образини мукамал яратишга икродий нитилган.

Астрабад. Бу ерда адолатпарвар, тадбиркор, одил, Алишер Навоий яшайди. У халқнинг дили шод, мамлакат обод бўлишини истади. Шоир ўзи ҳокимлик қилган ўлкада толен забун бўлган ошқининг севги изтироби, ҳақ-ҳуқуқни поймол қилган маъшунанинг фард-нодалар, аламли кўзешларига бефарр қарамайди. Хоним ҳақ билан ноҳақликни ақл-иҳроқ йўли билан аниқлаб, жоҳилни бешафқат жазолайди, эзилган, жафокан халқ тарафини ёқлайди. Шоирнинг бу олижаноб ҳислатлари Толиб кўнфасида ўзининг мукамал ифодасини топган. Унинг Навоий ғазал-

ларини севиб, меҳр қўйиб икродий равои тил билан ўқиш кишини ҳаяжонлантиради. Толибдан бу мураккаб образни яхши икром этишининг бонсини сўраганимизда у бизга: «Мен Навоий образини яратишдан аввал кўп ўйладим. Устоз санъаткорлардан ўргандим. Навоий асарларини ва у ҳақидаги асарларни пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Ғазалларни тўғри равои ўқишда асар муаллифи Махсум Иноятнинг хизматлари натта. Мен учун Алишер Навоий образини яратиш гоят катта бахт. Мени санъат даргоҳи етаклаб келган ҳам ана шу образ иштиғи, шоир иштиғи бўлди».

Толиб ўрта мактабин муваффақиятли тугатар экан, тўғри санъаткорлар чаманзори — Тошкент давлат театр рассомчилик институтига ўқишга кирди. У ерда ўз севган касбинини пухта эгаллади, санъат сирларини ўрганиб олди. Институтни 1961 йилда тугатган Қўқондаги Ҳамза номли театрга йўлланма олди. Театрда институтда олган билимларини ишга солиб ҳар хил характердаги образлар яратиш томошабинлар қалбидан чуқур жой олди. 1963 йилда эса Ленин ордени Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театрининг икродий коллективи сафига келиб қўшилди.

Толиб театрга бир қанча спектаклларда: «Биринчи муҳаббат»да — Талъат, «Улуғбек»да — Алиқуш, «Гамлет»да — Фортенбранс, «Қирол Лир»да — Бургенберс, «Сарвқомат дилбарим»да — Алибек каби ҳар хил характердаги образларини муваффақиятли яратди. У Тошкент телевидение студияси қўйган бир қанча постановка, музикали лавҳаларда иштирок этиб, телетомошабинлар диққатини ўзига тортмоқда. Толиб телевидение постановкалардан: «Фарғона тоғ оттуғи»даги оқ-кўнғил, меҳнатсевар, пок севги ағаси Ғўломжон образини, «Едгор»даги содда, кўнғичан йигит Жўра образини яратди. Фридуниинг «Шундай кун келди» кинесасидаги студент образини, Ҳ. Шамсининг «Душман» асаридаги Карим образини, Ҳамид Ғўломнинг «Машъал» повестидаги колхоз раиси Ботирли, Т. Абдумуниновнинг «Шикоятга ўрин йўл» асаридаги ҳалол, тўғрисуз, дўстига содиқ доктор йигит Масодиқ образини, Шамхаловнинг «Қайона» спектаклидаги композитор Аёз образини яратди. У «Жафокан», «Қора кўзим», «Дилнавознинг дил мавсуми» каби музикали лавҳаларда иштирок этиб, томошабинлар меҳрини қозонмоқда.

Ёш санъаткор Толиб Каримов яратган роллар ҳар хил характердаги, ҳар хил ёшдаги, ҳар хил давр кишиларидир. Толиб қайси ролни ўйнамасин, у бутун борлигин билан берилиб ўйнайди. Қаҳрамоннинг ички кечирмасини, ҳис-ҳалжонини, орав-умидларини аниқ кўрсатиб беришга нитилди. Юракдан

чиққан сўзгина юракка етиб борганидек, Толибнинг ҳам юракдан яратган образлари юракларга бориб етмоқда. Биз ёш, истеъдодли санъаткор Толиб Каримов ўз оравуи қонади, баланд чуққилар сари парвоз этади деб умид қиламиз.

Н. ХОЛХУЖАЕВА.



Суратда: «Фарғона тоғ оттуғи» телестановкадан бир кўриниш. Ғўломжон ролда Т. Каримов, Ҳаётхон ролда Р. Иброҳимов.

ЯНГИ МА-ГАЗИНЛАР

Високоевский массиви аҳолиси тобора кўпаймоқда. Шунинг хисобига олиб бу ерда янгидан-янги савдо тоҷкалари, умумий овқатланиш корхоналари фойдаланишга топширилади. Яқинда йирик меъбел мағазини ишга туширилади. Куйишеш ошхоналар трести ташкил этган кафе аҳолига хизмат қила бошлади. Очилган китоб мағазини ҳар кунини мингларча сўмлик савдо қилмоқда.

Н. ХАЙРУЛЛАЕВ.

СЎНГИ ПОЧТАДАН

«ОҚ ОЛТИН» ЎЛКАСИ МАДҲИ

Улуғ Октябрь соҳилстик революциясининг 50 йиллигига саноқда қулар қолди. Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам бу улуғ айёмни муносиб меҳнат соғалари билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ана шундай лавҳаларда бизнинг ҳар биримиз босиб ўтган йўлимизга зўр ифтихор билан назар ташлаймиз.

Дарҳақиқат Ўзбекистон Ленин партиясининг раҳбарлиги, мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг биродарона ёрдами туфайли биринчи даражали индустрияга

эга бўлган, қишлоқ қўжалиги юқори даражада механизацияланган республикага айланди. Фаёлмадан халқ соғлигини сақлаш, медицина хизматини йўлга қўйиш ҳақида ҳам ажойиб натижаларга эришилди.

СССР соғлиқни сақлаш министриги ва медицина ходимлари касса союзулари марказий комитетининг органи «Медицинская газета»нинг сепанба сони республикамизда халқ соғлигини сақлаш иштига бағишланган.

Биринчи беғда «Оқ олтин» ўзбекистон сени қўлайини» умумий сарлавҳаси остида берилган материалларини ўқиб экансиз, Улуғ Октябр революциясининг алтари республикада аҳолига медицина хизмати қўрсатиш қандай эдию, ҳозир қандай эканлигини билиб оласиз.

Бу ҳақда уч алоқ бахшлари: профессор А. Асқаров, Тошкентдаги 12-болалар поликлиникасининг бош врачини М. Саъдуллаева, хотарақли ёш врач Р. Жуманиёзова ўртоқлар ҳикойи қилиб берганлар.

Иккинчи ва учинчи бетларда ҳам «Қўшди Ўзбекистон меҳнаткашлари, сизга катта бахт ва сиз ҳат-саломатлик тилаймиз» сарлавҳаси остида ранг-баранг материаллар берилган. «Революциядан илгарй ҳозирги Ўзбекистон территориясида», деб ёзди Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри К. Зояров ўзининг «Бизнинг бебаҳо бойлигимиз» сарлавҳали мақоласида, — атиги 64 та унча катта бўлмаган касалхона бор бўлиб, уларнинг ҳаммаси 976 та койкага эга эди. Ҳозир эса соғлиқни сақлаш министриги системасининг ўзидagina 1200 дан ортқ касалхона бор. Агар 1913 йилда ҳар ўн минг аҳолига атиги 2 талдан койка тўғри келган бўлса, 1966 йилнинг охирига келиб, бу миқдор 92,3 данга эди.

Сирдарё области Жиззах районидаги «Москва» колхозининг раисини Х. Носиров ўз мақоласида ил-

Редактор А. ИСМОНЛОВ.

Реклама Эълонлар ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55 — Ўзинтиришлар программаси, 18.00 — Телевизион янгиликлар, 18.20 — Ҳаёвонлар ҳақида (болалар учун), 18.45 — Орифоновлар оиласи (телеочери), 19.10 — Тошкент электростанция заводи раис ансамблининг концерти, 20.00 — Ўзинтиришлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.05 — Телевизион янгиликлар, 20.25 — Министрлар «Ешлани» студияси кўрсатади, 21.25 — Ўзбек динининг биринчи пойтахти («Октябрь» программаси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

17.55 — Ўзинтиришлар программаси, 18.00 — Физна, Домини тои қонилари, 18.35 — Математика, Янгида дор мақсалав, МОСКВА КУРСАТАДИ

19.45 — Бу ерда революция аввалга ошган (Ленинграддан олиб кўрсатилади), 20.20 — Кичиктоилар республикаси (Симферополдан олиб кўрсатилади), 21.00 — Телевизион янгиликлар, 21.20 — Литва ССР спартакиада, 21.50 — П. Павленко, Бахт, 23.10 — Янгиликлар эстафетаси, 24.00 — Москва эшитиришларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

(9-канал)

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 17.55 — Ўзинтиришлар программаси, 18.00 — Концерт (болалар учун), 18.30 — Япония, 1966 йилнинг ёзи (информация), 18.00 — Куча тасодифларга тўла (болалар фильми), Рус тилида: 20.00 — Ҳайр, онам (қўжватил фильми), 20.30 — Литва мебели (илмий оммабоп фильми), 20.40 — Москва кўрсатади (концерт), 21.25 — Рембрандтнинг сўнгги асари (илмий-оммабоп фильми), 21.35 — Баннир (Телеспектакли).

КИНО

КИШИКИ БИНОДА Кишиневро қори — «ПАЛКА», «УЗБЕКИСТОН» (қундуз ва кечурун).

УТИШИ билан учрашув — НАВОЙИ номин (қундуз ва кечурун), САЙЯТ САРОЙИ аралаб 11 да, қундуз соат 1 ва 3 да, 26-чиси отилмасин — НАВОЙИ номин (қундуз 1.20, кеч 8.20 минутада Ўзбек тилида).

ЕЗГИ БИНОДА (Кеч соат 8.45 минутада ва 10 яримда бошланади) Кишиневро қори — «ФЕСТИВАЛЬ».

Питинининг касалхона даги саргузашти — «РАКЕТА», Кул (2 серия) — «БАТАН», 26-чиси отилмасин — ТЕЛЬМАН номин.

Тошкент области партия комитети ва области икродий юртиети области адвокатлар коллективининг раисини

НУРМАТ ЭРМАТОВНИНГ бевайт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изхор қилади.

Урта Осие темир йўли раҳбарлари, партия комитетини, касса союзи ташкилотлари, Урта Осие темир йўли доштор-санитар хизматининг бошлиғини А. В. Анбаровга, онаси

РАҲИМОВА СОКИНАНИНГ вафот этганини муносабати билан таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини Ёришланг нашотининг босмаҳосеси, Тошкент шэҳрини.

Р. 04454 Илдири 64970 А. 1690.

Фотокўргазмалар

Пойтахт аҳолисига ҳар соҳада маийиш хизмат қўрсатиш ишлари тобора яхшиланиб бораляпти. Шаҳар маийиш хизмат қўрсатиш бошқармасига қарашли «ФОТОРЕКЛАМА» комбинати янги фото лабораториялар қўриб ишга туширмоқда.

Биз яқинда «ФОТОРЕКЛАМА» комбинатида бўлиб, комбинат бош инструктори, некса коммунист Раҳимжон Азимов билан суҳбатлашдик. У биз билан суҳбатда қўлидаги янгиликларини айтиб берди.

Биз шу йилда қўлига қўрувчилардан иккита лабораторияни қабул қилиб олдик. Булардан бири Энгельс кўчасида-

ги марназлаштирилган фото лабораторияси, иккинчиси «РА-ЛАБА» маданият ва истироҳат боғи ёнида ташкил этилган фотокўргазмалар студиясидир. Марназлашган лабораторияда фотонавилошлардан келтирилган негативлар тайёр фотосурат ҳолига келтирилади. Бу ерда иш қонвейер усулида олиб борилади. Лабораториядаги ма-лакали фотоллаборант, фотопечатчи, фотосуратчи ва фотосуратчи бўлимоқда. Нега янги лаборатория бўлиб диспетчерга келди, сўнгга рет-шув, лаборантга ва яна диспетчерга ўтди. Диспетчер тайёр расмларни конвертларга со-

либ экспедиция бўлимига топширади. Бўлимдаги ўртоқлар махсусоти шаҳардаги фотосуратларга тарқатилади. Фотосуратларини махсус халтачаларга солиб жўнатилади.

Бу лабораторияда тайёрланган фотосуратларнинг сифати илгартига қараганда бирмунча яхшидир.

Фотокўргазмалар студияси шаҳримиздаги завод ва фабрика, мактаб ва олий ўқув юр-дарларнинг фото виеткаларини тайёрлаб беради. Берилган буюртмалар ўз вақтида банарилади.

Х. ШОКИРОВ, О. ИБРОҲИМОВ, ТошДУ студентлари.

ФУТБОЛ

ИШКИБОЗЛАР НЕГА РАНЖИДИ?

Ўтган чоршанба кунин «Пахтакор» стадионда бўлган ўйинда томошабинлар ранжиб чиқиб кетдилар. Бунинг бонси «Пахтакор»нинг мағлубиятга учраганида эмас, (тўғри 84-минутада Кутанси «Торпедо»сининг ўйинчиси Венуа кирди). Гап ўйинга судьялик қилган Владимир Барашковнинг ҳатолари ва фотолчиларнинг қўпол ўйналганлигидир. Учрашувнинг 25-минутада меҳмонлар дарвозабонини Андгуладзе қўлидан чиқариб юборган тўғри пахтакорчилар дарвозага йўналтирган эдилар. Судья ҳисобламади.

Шундан сўнг «Торпедо» ҳимоячилари билан «Пахтакор» ҳужумчилари ўртасида жанжал бошланди. В. Барашков «Пахтакор»нинг капитани Э. Абдурауновни рақибини ўргани учун ўйиндан чиқариб юборди. Лекин меҳмонлар ҳимоясини Дюдауашвили бунгача қилган ошқора қўполлиги

жазосиз қолди. Ваҳоланки, ҳар иккида ўйинчи тенг жазоланишга лоник эди. Судья бундан ташқари кўп ҳолларда ўйин вазиятини ҳушёрлик билан кузатиб бора олмайди. Иккинчи таймда штраф тўғри теппиланган жойин белгиланда хатога йўл қўйди. Меҳмонлар ҳимоячиси штраф майдонини ичда қондан бузган бўлса ҳам штраф тўғри теппилин ташқаридан белгиланди.

Футбол майдонда юз берадиган қўпгилсиз ҳодисаларнинг олдин олин учун судьялар ўз бурчларини пухта бажаришлари керак.

Шу кунин бўлган мамлакат биринчилигининг мусобақалари қўйидаги вазиятларини берди: «Локомотив» — «Динамо» (Киев) — 0:0, «Черноморец» — «Торпедо» (Москва) — 0:1, «Шахтёр» — «Заря» — 2:1, «Нефтяник» — «Крилья Советов» — 3:0, «Қайрат» — «Динамо» (Тбилиси) — 0:3, «Арат» — ЦСКА — 0:2.

Сотининг Людмила Макарова тайинланган жойда шағамдек қотиб, бир соат кутди. Людмиладан дарон бўлмади, икки соат кутди Макарова қақда дейсиз. Кечгача кутавериб толиққан Сотини ахирин алданганини сезди. У, бу ҳақда универмаг маъмуриятига маълум қилди. Людмилининг киниги ишини тайиқан универмаг ходимлари милиция бўлимига ҳабар қилиди. Бундан хабар топган айёр Людмила аллақачон қаққадан қўйиб бўлди. Фрибгар Люд-

мила Макарова фақат Сотининингиз эмас, бир неча кишини тузоғига тушириб 1132 сўм пул йиғида ва жиноятдан қўтилиш мақсадида Киев шаҳрига жўнайди.

Афтидан у қорлар ёғилиб излар босилиб кетди деб йўлаган бўлса керак. Людмила яна ўз ниятларини режаларини давом эттириш қўйида Тошкентга қайтмоқда. У сувадан нурув чиқиди деб севиниб жўраганда Куйбишев район жиноий ишлар қидирув бўлимининг оператив ходимлари уни осонгина қўлга олишди. Фрибгар Людмила Макарова яқинда ўз қўлинилла-рини учун халқ олдида, вилдони олдида ҳисоб берди.

Р. ХУЖАМОВ.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.



«Победа» паркида сайр.

А. Усмонов фотоси.

ТЕКИНХУРГА
ШАФҚАТ ИҲК

Ф Р И Б Г А Р

Марказий универмагининг со-биқ машина фисоблаш бўлимининг оператори Людмила Федорова Макарова юрса ҳам, ўтирса ҳам ўзидан-ўзи «қаловини топсанг қор ҳам ёнар» деган сўзини, оҳангига солиб хиргойи қилиб юрадиган бўлиб қолди. Бунини эшитган баъзи ходимлар «а, аттанг, тушпа-тузун» аёл ким бўлиб қолди-да», дейишса, бошқалари нима дейсиз, шамол бўлмаса дарахнинг учи ҳам силкимайди. Людмила-нинг хиргойисиди бир жон бор, деб ўзларича ҳар нарсига ўйинб юраверилди. Майли, ҳар ким нима деса дельверсин, лекин Людмила Федорова қаловини топса қор ҳам ёнишини ўз тақрибасида бир эмас, бир неча бор синиб кўрган. Унинг хиргойи қилиб юриши ҳам ана шу бонсидан.

Людмила Федорова Макарованинг одадидигини иш қўли-ридан бири. Унинг ўқулари апарат устида ўйнаса ҳам кўз-лари атрофдан ов наляйди. Шу вақт витринига кўздан кечира-ётган ўрта бўйли, усти-боши ба-шанг бир кишини имлаб қақи-ради-да, сизга нима керак, — деб унинг қўлгои тағида ши-вирлайди.

— Жерси пальтоми, аёллар кофтасими ёки холодийникми, истаган нарсангизни топиб бери-шини мумкин. — дейди у бармоқ-ларини қарсиллатиб, — фақат мана шу бўлса бўлди.

Халиги киши таажжубланиб унинг айёр кўзларига тикилади.

— Ҳмм... Нега ҳайрон бў-ласиз? Қани тезроқ бўлинг, ке-рак бўлса, пулни чиқаринг.

— Мен-ку, пулни бераман, —

деди халиги одам, — лекин ўша истаган нарсамни қачон олишим мумкин?

— Э, сизни қаранг-у, хом сўт эмган багда экансиз, — дейди Макарова, — пулни қўзғаб қў-йинг, бўёғи ҳеч гап эмас. Шу бутун десантис, бу бутун, ўйи бўлади.

Харидор қувонганидан апи-ташди пулини чиқарди, ва ўзи-га керакли товарининг номини айтди. Макарова унинг ишончини янада орттириш учун, фами-лиясини ён дафтарига ёзиб ол-ди. Е. Сотини, 419 сўм, жерси пальто аёллар кофтаси билан.

Шундан сўнг айёр Людмила Федорова лақма Сотинка эшиттириб, ўз тузоғига тушган бошқа харидорларнинг ҳам фами-лияларини ўқиган бўлди. — «так, А. С. Ромаков 260 сўм,

холодийник, Б. Р. Мурович ва Т.Д. Сапожников 430 сўм, В. С. Смичаская 410 сўм ва ҳоказо ва ҳоказо... Кўрдингиз-ми ана шуларнинг ҳаммаси мендан умрбод курсанд бўлиб юришди.

Сотининг Людмила Макарова тайинланган жойда шағамдек қотиб, бир соат кутди. Людмиладан дарон бўлмади, икки соат кутди Макарова қақда дейсиз. Кечгача кутавериб толиққан Сотини ахирин алданганини сезди. У, бу ҳақда универмаг маъмуриятига маълум қилди. Людмилининг киниги ишини тайиқан универмаг ходимлари милиция бўлимига ҳабар қилиди. Бундан хабар топган айёр Людмила аллақачон қаққадан қўйиб бўлди. Фрибгар Люд-

мила Макарова фақат Сотининингиз эмас, бир неча кишини тузоғига тушириб 1132 сўм пул йиғида ва жиноятдан қўтилиш мақсадида Киев шаҳрига жўнайди.

Афтидан у қорлар ёғилиб излар босилиб кетди деб йўлаган бўлса керак. Людмила яна ўз ниятларини режаларини давом эттириш қўйида Тошкентга қайтмоқда. У сувадан нурув чиқиди деб севиниб жўраганда Куйбишев район жиноий ишлар қидирув бўлимининг оператив ходимлари уни осонгина қўлга олишди. Фрибгар Людмила Макарова яқинда ўз қўлинилла-рини учун халқ олдида, вилдони олдида ҳисоб берди.

Р. ХУЖАМОВ.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.